

«Ўзагросуғурта» АЖ акциядорлари диққатига!

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти 2019-йил 20-июн куни бўлиб ўтиши режалаштирилган навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши, ҳамда 2019-йил 29-июн куни «Биржа» газетасида чиққан навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши чақириш тўғрисидаги эълон, жамият Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ бекор қилинишини маълум қилади.

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида маълум қилади.

Жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили): «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри, Чилонзор 19-мавзе 61/2-уй.

Йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой: 2019-йил 23 июл 11:00, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2-уй, манзилидаги жамият мажлислар залида.

Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана:

- акциядорларни хабардор қилиш учун – 01.07.2019 йил;
- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун – 17.07.2019 йил.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. «Ўзагросуғурта» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
4. «Ўзагросуғурта» АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.
5. «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2018 йил молиявий натижасидаги соф фойдасини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг молиявий барқарорлигини тиклаш мақсадида жамиятдаги мавжуд бўлган самарасиз маъмурий биноларни сотиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига доир ахборотлар (материаллар) билан **Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2 уй, жойлашган «Ўзагросуғурта» АЖ**нинг биносида танишиш мумкин. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@agros.uz, веб сайти: www.agros.uz.

Телефонлар: +998 (71) 216-57-69

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари 2019 йил 23-июл куни соат 10:00 дан 10:55 гача рўйхатдан ўтказилади. Акциядорлардан шахсини тасдиқловчи ҳужжатга, акциядор вакилидан қонунчиликка асосан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлишлари сўралади.

Жамият Кузатув кенгаши